



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУГ'БЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/6/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Qosimov M. O‘zbekistonlik partizanlarning sobiq ittifoq hududini ozod etishdagi ishtiroki	4
Suyarov M. Xorazmshoh Takashning hukmronlik faoliyatiga nazar	8
Ҳасанов Р. Лирик қўшиқчилик тарихи	11
Шаймқулов А. Совет ҳокимияти ахборот сиёсати тарихидан	15

Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология. Сиёсий фанлар

Abdiyeva S. Chet tilini o‘qitishda yangi texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati va samaradorligi	19
Abduraimov J., Mo‘llajonov M., Abduhalilova H. Ta’limda elektron resurslar tahlili	21
Abdurahmonova M. Chet tillarni o‘rganish va o‘rgatish jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish	23
Абдусаломова Ф. Особенности применения интерактивных методов при изучении русского языка	25
Ахмедова Б. Рақамли иқтисодиёт шароитида таълим хизмати сифатини оширишнинг моҳияти ва вазифалари	28
Ахророва С. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлаш сиёсатининг аҳамияти	32
Ashurova Sh. Bolalarda sog‘lom turmush tarzini shakllantirishda oilaviy munosabatlarning o‘rni	36
Бердиев Б. Ўзбекистоннинг халқаро имиджини юксалтириш – давлатнинг стратегик вазифаси сифатида	39
Бозоров Э., Зоирова Л. Изучение сравнительного анализа доз радиации на онкологические опухоли органов организма человека методом “обратная связь”	43
Воуханов I. Ta’lim jarayonida multimedia texnologiyalaridan foydalanish	46
Валиев Ш. Сунъий интеллектнинг фалсафий муаммолари	49
Довранова О. Постмодерн жамият ва оилавий муносабатлар: тушунча ва моҳият	52
Ёдгорова З. Медиа оламида модаллик категориясига назарий қарашлар	55
Жуманиёзова Н. Аутизм болага психотерапевтик ёрдам бериш усуллари	58
Ибрагимов И. Туркистон жадидларининг ижтимоий-фалсафий генезиси	62
Икромов Б. Бошланғич тайёргарлик босқичида Байдаркада эшак эшувчиларни қуруқликда асосий техник элементларни ўзлаштириш орқали машғулот олди хавотирланиш кўрсаткичини пасайтириш	65
Islomov K. Abu Rayhon Beruniyning falsafiy qarashlari	68
Kaljanova G. Ingliz tilini maxsus maqsadlarda o‘qitishning o‘ziga xos xususiyatlari	72
Каримов Ф. Ўрта ёшдаги 45-60 ёшли эркаклар учун жисмоний тайёргарликни ҳисобга олган ҳолда соғломлаштирувчи машқлар жамланмасини ишлаб чиқиш	76
Karimova M. O‘smir yoshidagi qizlarda oilaviy hayot haqidagi tasavvurlarini oila mustahkamligiga ta’siri muammosining nazariy tahlili	79
Кимсанбаева Ш. Ўзбекистонда диний бағрикенглик	81
Кушаков Ф. Илм – ижтимоий ҳодиса сифатида	84
Мамаюсупов У. Глобаллашув шароитида виртуал таълим Ўзбекистон таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг муқобил усули сифатида	87
Mustafoeva N. The specifics of teaching writing in a foreign language to law students. Analysis of existing methods	90
Мухаметов А. Жисмоний тарбия ва оммавий спорт соғломлаштириш машғулотларида юқламаларни меъёрлаштиришнинг илмий-методик асослари	93
Мухаммадиева О., Himmatova N. Хотин-қизларни ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy faolligini oshirishda xorijiy tajribalarni o‘rganish	97
Ne‘matullayeva S. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida o‘yin terapiyasini qo‘llashda innovatsion usullar	101
Низамова У. Чет тилни самарали ўқитишда анъанавий ва компетентли ёндашувларнинг ўрни	104
Орехин-Рыжина В., Ахмедова Г. Значение новых педагогических технологий на занятиях по иностранному языку	108
Otajonova S. Talabalarda valeologik kompetentlikni rivojlantirishning pedagogik imkoniyatlari	111
Raxmatov D. O‘zbekistonda suzish sportining rivojlanishi	114
Саидова М. Бошланғич синф математика дарслигининг халқаро қиёсий таҳлили	118
Сайтмуродов Ж. Гегель дунёқараши шаклланишининг тарихий, ижтимоий-сиёсий омиллари	123
Сайдалиева Г. Роль мотивации в изучении иностранного (русского) языка	127
Санақулов Ф. Бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашга қаратилган дастурий воситаларнинг таълим жараёнига тадбиқи ва методикаси	130
Содиқова Ш. Оптик нур толалардаги дисперсия ходисалари мавзусини ўқитишда медиатаълим технологиялардан фойдаланиш методикаси	134
Тошбоева М., Ташпулатов Ф. Дзюдо спорт туридаги усуллари амалга ошириш натижасида сарфланадиган килокалория миқдори	137
Тулишов Ғ. Замонавий таълим менежменти ва педагог фаолиятини такомиллаштириш	140
O‘ktamova N. The main principles of teaching sociolinguistic competence for adult learners	143
Ўлмасхўжаев З. Глобаллашув жараёнларининг ёшлар дунёқарашига таъсири	145
Умаров А. Современные проблемы агонального дискурса и возможности его использования в аудиовизуальном методе преподавания русского языка	149
Хамдам-зода Л. Метод проектов как перспективная форма интерактивной технологии	152
Xasanova X. Kimyo darslarida steam tajribalaridan foydalanish	155
Хўжаев М. Мирзо Улугбекнинг давлат бошқарувида сўфийлик таълимотига муносабати	159
Хўшбоқов Д. Ижтимоий-маданий муносабатларда замонавий алоқа воситаларининг роли	162
Ҳакимов О., Эргашов Ш. Ёшлар тарбиясида ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш омиллари	165
Шамсиддинова Э. Цивилизация жараёни ва ижтимоий онг	169

Шерматов Ғ. Дзюдо мусобақаларида энг кўп қўлланиладиган усуллар ва уларнинг аҳамияти.....	172
Шукуров Б. Техника олий таълим муассасалари талабаларига физикани ўқитишда дастурий воситалардан фойдаланиш услублари	175
Хатамова Д. Адабиётшунослик терминологияси эстетик тафаккур предмети сифатида 179	179
Эшманов О. Техника олий ўқув юрғларида қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини касбий тайёрлашнинг илмий-назарий асослари	183
Янгибоева Д. Аккультурация – ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида.....	187

Филология

Alimammedova Kh. Lexical behaviour in academic and technical corpora: implications for esp development.....	190
Бабаходжаева Н. Бойсун ифтихори (Усмон Азим шеърятига бир назар).....	194
Boltaboyev N., Kazakbayeva D. Mohlaroyim Nodira and Khurshidabonu Notavon: secrets of creative similarity and specificity.....	197
Djumaboyeva J., Jurayeva M. A comparative study of the conceptual metaphors of «time/время/vaqt» in english, russian and uzbek languages.....	200
Жабборова Х. Радио тилида нутқ маданиятининг меъёрий аспекти	203
Жалолова Ф. Олам лисоний тасвирида “Ўғай она/stepmother” лексик бирлигининг лингвомаданий хусусиятлари	206
Избасарова Ш. Бадиий матнни тадқиқ этиш муаммолари	210
Комилова Ш. XX аср Хитой адабиётида "Янги драматургия" нинг ривожланиши.....	213
Lokteva N. «Семейная хроника» и литературный процесс XIX-XX веков	216
Murodova D. Pak Vanso romanlarida “men” shaxsining shakllanish masalalari	219
Мухиддинова Д. Араб ёзувчиси Жамал ал - Фитоний ва ўзбек ёзувчиси Миркарим Осим ҳикояларида тарихий мавзуларнинг қиёсий таҳлили.....	223
Назарова Ш. Янги ўзбек шеърятинида аруз вази муаммосига доир айрим қайдлар	226
Саидова Н. Эволюция образа женщины в саудовской обществе в конце XX века (на примере рассказов Ахмада Абду аль-Малика)	230
Temirbulatova I. Koreys tilida 그래 hamda 참 diskurs markerining o‘ziga xos xususiyatlari	233
Турдибеков М. Ўратепа, Бунжикат, Қаҳқаҳа топонимларининг этимологияси	236
Умарова С. Озарбайжонда Алишер Навоий ижодининг ўрганилиши.....	239
Хатамова Д. Адабиётшунослик терминологияси эстетик тафаккур предмети сифатида	242
Choriyeva A., Lokteva N. Ayolning hayotga bo‘lgan qarashlari (Enn Tayler “Yerning ne’matlari” romani misolida) ...	245
Elmurodova S. Hozirgi zamon ingliz tili matematik terminlari tahlili.....	249

Соҳиба УМАРОВА,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси

E-mail: sohibahon@mail.ru

ЎзМУ профессори, ф.ф.д. Х.Болтабоев тақризи асосида

ИЗУЧЕНИЕ ТВОРЧЕСТВА АЛИШЕРА НАВОИ В АЗЕРБАЙДЖАНЕ

Abstract

This article discusses the literary relations of the Uzbek and Azerbaijani peoples, the impact of the works of the great poet Alisher Navoi on Azerbaijani literature, the notes contain information about Navoi, linking them to Navoi's works, compiling a dictionary of Navoi's works, translating Navoi's works and Azerbaijani studies.

Key words: Alisher Navoi, foreign, literary relations, Azerbaijan, tazkira, translation, nazira, dictionaries, Navoi studies.

ИЗУЧЕНИЕ ТВОРЧЕСТВА АЛИШЕРА НАВОИ В АЗЕРБАЙДЖАНЕ

Аннотация

В данной статье рассматриваются литературные связи узбекского и азербайджанского народов, влияние произведений великого поэта Алишера Навои на азербайджанскую литературу, в примечаниях содержится информация о Навои, привязка их к произведениям Навои, составление словаря произведений Навои, переводы Навои работ и азербайджановедения.

Ключевые слова: Алишер Навои, зарубежье, литературные связи, Азербайджан, тазкира, перевод, назира, словари, навоиведение.

ОЗАРБАЙЖОНДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек ва озарбайжон халқининг адабий алоқалари, буюк шоир Алишер Навоий ижодининг озарбайжон адабиётига таъсири, тазкираларда Навоий ҳақидаги маълумотлар қайд этилиши, Навоий асарларига назиралар боғлаш, Навоий асарлари луғатини тузиш ишлари, Навоий асарларининг таржима этилиши ва Озарбайжон навийшунослиги ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, хориж, адабий алоқалар, Озарбайжон, тазкира, таржима, назира, луғатлар, навийшунослик.

Кириш. Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий “Хамса” асаридаги барча дostonларида Шайх Низомий Ганжавийга юксак эҳтиромини билдиради. Буюк шоир “Садди Искандарий” дostonида хамсанависликнинг асосчиси ҳақида шундай сўзларни келтиради:

Бу янглиғки ганжи маоний тўқуб,

Жаҳон аҳлига жовидони тўқуб.

Бу беш ганжининг жажондур тўло,

Ки кўк жавфида доғи йўқтур хало[1].

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкираси Аввалги мажлиси бевосита озарбайжонлик тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси Амир Қосим Анвор ҳақидаги фикра билан бошланган. Алишер Навоий Озарбайжон ва озарий шоирларга доимо муҳаббат ва хурматини асарларида баён этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Биз Навоий асарларининг дунёга тарқалиши хусусида сўз юритмоқчи эканмиз, шоир ҳаёти билан боғлиқ бир ҳолатга эътибор қаратамиз. Маълумки, Навоий Самарқандга борганида ҳали 30 ёшга кирмаган ёш хурсонлик йигит эди. Нега у Самарқанд ҳокими эътиборига тушади ва Аҳмад Ҳожибек унга ҳомийлик қилади, деган саволга жавоб бериш орқали ўзимизнинг мулоҳазамизни билдираемиз. Биринчидан, Аҳмад Ҳожибек “Мажолис ун-нафоис”нинг олтинчи мажлисида “сурати хуш ва сийрати дилкаш ахлоки ҳамида ва атвори писандида йигитдур” деларкан, унинг “табъи баҳоят хуб воқеъ” бўлганлиги, унинг Вафой тахаллуси билан шеърлар битгани ёзилади. Демак, Аҳмад Ҳожибек шеърят ихлосманди бўлган. Иккинчидан, ўша пайтдаёқ Навоийнинг шеърлари Хурсондагина эмас, Моворуннаҳр ва бошқа юртларга ҳам кенг тарқала бошлаган. Шунинг учун ҳам ёш шоирга Самарқанд ҳокими маҳсус иззат-икромини кўрсатган эди. Навоий асарларининг нафақат туркий тилда ёзилиши балки, фавқулотда бир поэтик ҳодиса, ўткир тафаккур маҳсули бўлганлиги, асарларида умуминсоний ғояларни тараннум этганлигидан адабиёт ихлосмандлари томонидан севиб ўқилган, шоир асарлари ўз замонасидаёқ Эрон, Озарбайжон, Туркиядан тортиб, Ироқ, Покистон, Ҳиндистонгача тарқалган. Шоир ҳаётлигидаёқ унинг ижодига катта кизиқиш ҳамда юксак эътироф билдирилган. Алишера Навоий ва Озарбайжон муносабатлари ҳам шундай йирик адабий-тарихий жараён бўлиб, бу адабий ижодий муносабатлар асосида юзага келган анъана ва янгиликлар уйғунлигидир. Шунинг учун ҳам бу ҳодиса маҳсус илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилган, яна ўрганилмоқда[2]. Озарбайжонда Алишер Навоий ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ва унинг асарлари дастлаб қуйидагича ёйилганлигини кузатамиз:

Тазкираларда Навоий ҳақидаги маълумотлар қайд этилиши.

Навоий асарларига назира боғлаш.

Навоий асарлари луғатини тузиш.

Навоий асарларининг таржима этилиши.

Навоий асарларининг жамлиниши, турли қўлёзма нусхаларининг кўчирилиши.

Озарбайжонда кўплаб яратилган тазкираларда Навоий зикри учрайди. Жумладан, Лутф Алибек Озарнинг “Оташкадан Озарий”, Сом Мирзо Сафавийнинг “Тухфаи Сомий”, Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Мажмӯ-л-фусаҳо”(Гўзал сўз эгаларининг тўплами) каби асарларда буюк шоир ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Маълумки, оташнафас шоир Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий ижодига Лутфий ва Алишер Навоий кучли таъсир кўрсатган. Фузулий Алишер Навоийга “муқарраби шаҳаншоҳи Хуросон” деган таърифни беради. Сом Мирзо

Сафавийнинг “Тухфаи Сомий” тазкирасидаги қайдлар Фузулийнинг шоирга берган таърифни қувватлайди. “Тухфаи Сомий”нинг “Туркийлар ва уларнинг мактов ва баёнга хожати бўлмаган олий кадр ва азим уш-шон шоирлари зикрида” бўлимининг биринчиси “Амир Алишер”нинг жуда узун зикри билан бошланади. Унда: “Амир Алишер - номи аслида унинг яқин дўсти ҳамда яхши ишлар соҳиби бўлган Ҳазрати Султон (Ҳусайн) Бойқаро тилидан айтилган сифатдир. У Ганжина Баҳодирнинг халафи фарзанди бўлиб, у (отаси) чигатои султонларидан бўлган Султон Абу Саъид хизматчиларидан (мутеъинон - тобеъинларидан) эди. Онасининг бобоси бўлган Амир Абу Саъид эса Султон Ҳусайн Мирзо (Ҳусайн Бойқаро)нинг бобоси - Бойқаро Мирзонинг улуг амирлари қаторидаги интизомли амирлардан эди. Шу сабабдан, гўдаклик пайтларида мазкур подшоҳ (Ҳусайн Бойқаро) билан бир мактабда сабоқ олишган ва айни шу пайтларда, маълум ва машҳур маълумотга кўра, уларнинг орасида умрбод қиёматлик дўст бўлишга аҳду паймон васиқаси боғланади”[3]. Алишер Навоий фикрасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Амир Алишер сифатини унга дўсти Султон Ҳусайн Бойқаро берган ва ҳар доим уни шу ном билан атаган;

Унинг амирлик унвони аслида ота томонидан эмас, балки она томонидан етиб келган. Яъни унинг онасининг бобоси (жадди модараш) Амир Абусаъид бўлиб, Мирзо Бойқаро (Ҳусайн Бойқаронинг бобоси) ҳукмронлиги даврида улуг амирлар қаторида бўлган экан. Отаси эса, тазкирада у Ганжина Баҳодур дея берилган, Султон Абу Саъид Мирзонинг хизматчиларидан (мутеъинон) деб берилади. Демак, отасининг Амирлик унвони бўлмаган, балки она томондан унга амирлик унвони келган. Бунинг устига тарихий фактлардан маълумки, ёш Алишер 5 ёшлик пайтларида улар Ҳиротни тарк этишининг сабаби ҳам аслида давр ҳукмдори Султон Абу Саъиднинг буйруғи билан унинг хизматчиси бўлган Ғиёсиддин Кичкинанинг бошқа юртга кетиши билан изоҳлаш мумкин. Демак, Алишер Навоийнинг саройдаги нуфузи кўпроқ онаси томонидан улуг мартабада бўлгани билан белгиланади. Бунга тазкирада ишоралар мавжуд[4].

Алишер Навоий ижоди озарбайжон халқининг қалбига яқин, шоирлари ижодига ҳамоҳанг бўлган. Шунинг учун ҳам шоир ҳаёт вақтидаёқ озарий шоирлар Навоий асарларига назиралар боғлашган. Озарбайжонлик Кавси Табризий, Ҳақиқий каби шоирлар эса Навоий ижоди таъсир билан тўғридан тўғри ўзбек тилида шеърлар ёзишган ҳамда назиралар битишган. XV аср озарбайжон мумтоз адабиётининг таникли намояндаси Неъматуллоҳ Кишварийнинг Навоий ижодидан илҳомланган ҳолда 50 дан зиёд назира ёзган бўлса, XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг бошларида Озарбайжонда яшаган машҳур шоир, мохир носир, манбашунос олим, хаттот ва миниатюрachi расом Содиқбек Афшор Содиқийнинг 20дан ортиқ ғазали Навоий ижодига назира тарзда яратилгани кўрсатилади[5]. Навоий лирик мероси, хусусан, “Ҳазойин ул-маоний”даги шеърлари бошқа асарларидан ҳам кўпроқ туркий халқлар ижодига кучли таъсир кўрсатган. Фузулийнинг кўплаб ғазаллари Навоийга ҳамоҳанг ёзилганлигини кузатамиз. Масалан, “Ҳазойин ул-маоний” куллиётини очувчи “Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо...” матълали ғазалига Фузулийнинг ушбу ғазалида ўзгача руҳ ва буюк маҳорат билан давом эттирилади:

Ашрақат мин фалакил беҳжати шамсун ва биҳо,

Малаал олами нуран ва суруран ва баҳо[6].

Тадқиқот методологияси. Озарбайжонда Навоий асарларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида луғатлар яратилган. Жумладан, Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида унинг асарлари асосида “Бадоеъу-л-луғат” (тузувчи Толё ал-Иймоний ал-Ҳаравий), кейинроқ “Луғати Навоий”, “Ал луғату-н-Навоийат ва-л-истишходату-л-чигатоийат” (“Навоий луғати ва чигатои тили далиллари”, тузувчи Алоий бинни Муҳибий), “Санглох” (тузувчи Низомиддин Муҳаммад Ҳоди ал-Ҳусайний ас-Сафавий Мирза Маҳдихон) луғатлари тузилади. Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган луғатлар ичида “Санглох” энг каттаси ҳисобланади. Ушбу луғат туркий халқларнинг афшар уруғидан чиққан астрободлик Мирза Маҳдихон томонидан тузиб чиқилган. Мирзо Маҳдихон Навоий асарлари луғатини тузиб чиқишидан мақсади шоир асарларида учрайдиган кийин сўзлар маъносини форсийзабон халқларга очиб бериш эди. Шунинг учун у луғатни «Санглох», яъни тошли ер, тошлоқ деб атади. Луғат 1759-60 йилларда ёзиб тугалланган. Ушбу луғатнинг бошқа мумтоз луғатлардан фарқи шуки, «Санглох»да биринчи марта Навоийнинг насрий асарлардан ҳам мисоллар келтирилди. Луғатда Алишер Навоий асарларида учровчи жуда кўп нодир сўзлар маъноси очиб берилган. Бундай сўзлар бошқа луғатларда учрамайди. “Санглох” луғатида мўғул, форс, араб ва бошқа тиллардан ўзлашган 970га яқин лексик бирликлар мавжуд [7].

Озарбайжонда Навоий асарларининг куллиёт шаклида жамланиши, турли қўлёзма нусхаларининг қўчирилиши ўзаро маданий-адабий алоқаларнинг мустаҳкам ривожланиб борганлигини кўрсатади. Озарбайжонлик олима Жаннат Нагиеванинг “Алишер Навоийнинг Баку қўлёзмалари” (1986, Ўлиш Нəvainin Bakı əlyazmaları) китобида келтирилишича, Баку давлат қўлёзмалар фондида Навоий девонларининг 40га яқин қўлёзмалари сақланади. Бу хусусда олима Алмаз Улвий шундай ёзади: “Orta əsr Azərbaycanının əksər alim və şairlərinin kitabxanalarında Nəvai əlyazmaları saxlanılıb. Bu fakt hər dövrdə öz aktuallığını qorumuşdur. Belə kitabxanalardan Ərdəbildəki Şeyx Səfi məqbərəsi nəzdindəki kitabxanani, Təbriz Milli Kitabxanasını, o cümlədən Abbasqulu ağa Bakıxanov, Mirzə Adıgözəl bəy, Mirzə Nə-sən Yüzbaşov, Salman Mümtaz kimi şəxsiyyətlərin şəxsi kitab-xanalarını göstərə bilərik – qeyd olunan mənbələrdə Ўлиш Нəvai “Divan”ının əlyazma nüsxələri vardır” [8].

Таҳлил ва натижалар. Озарбайжонда Навоий ижодининг махсус илмий аспект сифатида ўрганилиши 1900 йиллардан бошланади. Хусусан, Боғчасаройда Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Арбаъин” асарлари Исмоил Гаспиринский томонидан ёзилган сўзбоши билан нашрга тайёрланади. 1907 йили “Дабистон” журналида Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақолалар эълон қилинади. Шундан кейин Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида илмий мақолалар нашр этилиши, тадқиқотлар олиб борилиши кенгайди. Алмаз Улвий(Биннатова) “Ўли Nazimin “Kommunist” qəzetində 1925-ci ildə nəşr etdirdiyi “Ўлиш Нəvai və biz” məqaləsi şairin 500 illik yubi-leyinə hazırlıq üçün start idi”[9], деб ёзади. 1926 йили Бокуда ўтказилган биринчи туркологлар қурултойи буюк шоирнинг 500 йиллигига бағишланган эди. Турк олими Жамол Хасанлининг ёзишича, Озарбайжон, Ўрта Осиё Республикалари, Тотористон, Қрим, Волга бўйи, Сибирь, Алтай, Шимолий Кавказ, Туркия, Москва, Петербург, Олмония, Австралия каби жойлардан таклиф этилган 131 нафар катнашчи қурултойда иштирок этади ва 38 га яқин маъруза тингланади[10].

Озарбайжон адабиётшунослигида Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва таржима қилишда Бакир Чўбонзода, Фаридунбей Кўчарли, Ҳамид Арасли, Қўламхусайн Алиев, Панох Халилов, Жаннат Нагиева, Нушаба Арасли, Темур Карамли, Самад Вургун, Тарлон Қулиев, Халил Рза Улутурк, Комил Вали Наримонўғли, Рамиз Аскар, Тарлон Қулиев, Алмаз Улви Биннатова, Пошо Каримов сингариларнинг ўрни каттадир. Кейинги пайтда Озарбайжонда Алишер Навоий

асарлари кўплаб нашр этилмоқда. “Навой танланган асарлари тўплами” (Öndər, Bakı, 2004) 25 минг нусхада нашр этилди. Бундан ташқари “Алишер Навой насрий асарлари” (Şərq-Qərb, Bakı, 2005), Алишер Навой ҳикматлари жамланган “Ҳикматли сўзлар” (“Elm və təhsil”, Bakı, 2020) каби китоблар ҳам буюк шоирнинг озарбайжонлик мухдисларига тақдим этилди. Профессор Т.Кулиев томонидан Алишер Навойнинг “Мезон ул-авзон” асари озор тилига таржима этилиши, Баку давлат университети профессори Рамиз Аскар томонидан Алишер Навойнинг “Хамса” асари, “Алишер Навой ва унинг “Хамса”си” китобининг тайёрланиши, профессор Атаэми Мирзав томонидан Алишер Навойнинг “Ҳадиси Арбаъин” асарининг Жомий ва Фузулий асарлари билан бирга нашрга тайёрланиши муҳим бўлди. Алмаз Улвий томонидан тайёрланган “Алишер Навой озарбайжон адабиётшунослигида” (Баку, 2009) деб номланган мақолалар тўпламида 40 яқин муаллифнинг мақолалари жамланган. Алмаз Улвий(Биннатова)нинг “Алишер Навойнинг асри ва насри” китоби мутахассислар томонидан навоийшуносликнинг ютуғи сифатида алоҳида эътироф этилди [11].

Хулоса ва таклифлар. Биз мақоламиз бошида шоир “Хамса”нинг бешинчи достонидан келтирилган парча билан бошлагандик. Хулосани ҳам шу достон билан тугаллашни лозим топамиз. “Садди Искандарий” достонидан Навойнинг шундай сўзлари бор:

Мамоликки, таъ айламиш эрди фатҳ,
Ул икклимим бўлмамиш эрди фатҳ,

Не иқлим, балким жаҳон кишвари
Ки, топмиш эди фатҳи Искандарий,

Скандардек айлаб сипаҳдорлиғ,
Сипаҳни халалдин ниғаҳдорлиғ [12].

Достонда Искандар ақл-заковатда тенгсиз шоҳ ва етти икклимни бирлаштирган буюк саркара сифатида гавдаланади. Искандар дунё халқлари маданият, маънавиятини бирлаштирган сиймо сифатида гваланади. Демак, Навой ижоди умуминсоний аҳамитга эга бўлган меросдир. Шунинг учун ҳам унинг асарлари давр ва муҳит танламаганидек, миллат, худуд, минтақа, чегара билмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навой. Садди Искандарий. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 43.
2. Қаранг: Nağıyeva C.Əlişir Nəvai və Azərbaycan ədəbiyyatı. XV-XIX əsrlər: filol. elm. dokt. diss. avtoref. – Bakı, 1986; Султонов Т. Алишер Навой ва Озарбайжон адабиёти: тарихий илдизлар, анъаналар ва ворислик (Кишварий ва Содиқий асарлари мисолида). –Тошкент, 2019.
3. Тухфаи Сомий. Таълиф: Сом Мирзои Сафавий. Бо тасҳих ва муқобилаи устои фақид Ваҳид Дастгардий. – Техрон: Китобфурушийи фуруғий. 1195. 179-саҳифа.
4. Тухфаи Сомий. Таълиф: Сом Мирзои Сафавий. Бо тасҳих ва муқобилаи устои фақид Ваҳид Дастгардий. – Техрон: Китобфурушийи фуруғий. 1195. 179-180-саҳифа.
5. Султонов Т. Алишер Навой ва Озарбайжон адабиёти: тарихий илдизлар, анъаналар ва ворислик (Кишварий ва Содиқий асарлари мисолида). – Тошкент, 2019.
6. Фузулий. Қалб гавҳари. – Т.: “HILOL-NASHR”, 2014. – Б. 43.
7. Қаранг: Умаров Э. Эски ўзбек луғатлари. – Т.: ЎзФА Тилшунослик институти, 1992.
8. Almaz Ülvi. Əlişir Nəvainin əsri və nəsri. – Bakı, “Elm və təhsil”, 2020. – Б. 507-508.
9. Almaz Ülvi. Əlişir Nəvainin əsri və nəsri. – Bakı, “Elm və təhsil”, 2020. – Б. 496.
10. Jamal Hasanli. Birinci Turkoloji Qurultaya Qisa Tarixi Baxis. 1926 Bakû Tükoloji Kongresinin 70. Yil Dönümü Toplantisi. Ankara, 1999, 9 sayfa.
11. Қаранг: Şəbnəm Babayeva. Almaz Ülvinin nevaşünasliga töhfəsi (“Əlişir Nəvainin əsri və nəsri (elmi-filoloji və dini-təsəvvüfi əsərləri)” monoqrafiyası haqqında). Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Самарқанд, 2020.
12. Алишер Навой. Садди Искандарий. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 53.

Дилфуза ХАТАМОВА,

ЎзМУ докторанти

E-mail: xatamova_d@gmail.com

АДУ доценти, ф.ф.д. М.А.Тожибоева тақризи асосида

АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ ЭСТЕТИК ТАФАККУР ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА

Аннотация

Мақолада адабиётшунослик терминологиясидаги айрим муаммолар кулами белгиланиб, уларнинг маъно камрови чегаралари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Адабиётшунослик терминологияси, термин ва атамалар, тушунча, термин маъно камрови чегаралари, изоҳ, матн талқин қилиш назарияси.

ЛИТЕРАТУРНАЯ ТЕРМИНОЛОГИЯ КАК ПРЕДМЕТ ЭСТЕТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ

Аннотация

В статье рассмотрены некоторые проблемы литературоведческой терминологии, связанные со сферой восприятия того или иного термина или понятия.

Ключевые слова: Литературоведческая терминология, термины, понятия, сфера восприятия, проблемы интерпретации, толкование, герменевтика.

LITERARY TERMINOLOGY AS A SUBJECT OF AESTHETIC THINKING

Annotation

The article identifies some of the problems in literary terminology and discusses the limits of their meaning.

Keywords: literary terminology, terms and concepts, concepts, terms, semantic scope, interpretation, text interpretation theory.

Кириш. Адабиётшуносликка оид термин ва атамалар муаммолари соҳа мутахассисларининг доимий диққат марказида турган ва ханузгача илмий мунозараларга сабаб бўлаётган мавзулардан саналади. Антик даврдан, яъни Аристотель давридан тортиб ҳозирги кунга қадар тушунча – термин – терминология – бадий матн муносабатлари назарий аспектда ҳам, бадий асарни таҳлил қилиш тажрибасида ҳам долзарблик касб этади.

Ўзбек адабиётшунослигида доимо адабиёт илмининг диққат марказида туриши лозим бўлган ушбу муаммога атаб биргина тадқиқотнинг яратилганлиги унга етарлича эътибор берилмаганини кўрсатади. Н. Ҳотамовнинг “Ўзбек адабиётшунослиги терминологиясининг совет давридаги тараққиёти” мавзусидаги номзодлик диссертацияси [1] химоя қилинганга яқинда қирқ йил тўлади. Ўтган мана шу муддат давомида адабиётшунослик илмида семиотика, структурал поэтика, герменевтика, синергетика каби янги соҳалар вужудга келди, хорижий халқлар адабиётшунослигидан ўзбек тилига кўплаб янги терминлар кириб ўзлашди. Қолаверса, миллий тилимиз имкониятлари асосида ҳам анчагина терминлар ясалдики, бугунги кунда уларни изчил тизимга солиш, изоҳлаш зарурати туғилмоқда. Бундан ташқари, Н.Т. Ҳотамовнинг иши, асосан, лингвистик аспектда амалга оширилган бўлиб, унда адабиётшунослик терминларининг адабий-эстетик моҳияти, терминнинг бадий асар тўқимасидаги ҳолати билан боғлиқ кўпгина ҳодисалар, бу тушунча ва терминларнинг ғоявий-бадий вазифалари, аynи шу ҳодисаларни ифодаловчи тушунчаларнинг истиқболдаги тақдир каби масалалар кенг таҳлил қилинмаган[2]. Бунга адабиётшунослик терминологиясининг ҳозирги пайтдаги ҳолатида юзага келган ҳар хиллик ва терминология муаммолари билан шуғулланадиган махсус фан тармоғининг йўқлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ҳолбуки, терминология масалалари назарий адабиётшуносликнинг доимий диққат марказида туриши, илмий истеъмолга кириб келаётган ёхуд истеъмолдан чиқиб кетаётган ҳар бир терминни таҳлил ва талқин қилиш, уни илмий жиҳатдан ўрганиб, адабий жараёнга олиб кириб “жорийлаштириш”, ўзбек тилидаги муқобил вариантларини яратиш ва уларни бадий таҳлил амалиётига татбиқ этиш ана шу тармоқнинг муҳим вазифасидир.

Айни масалада Ю.Б. Борев ўзининг “Эстетика. Теория литературы / Энциклопедический словарь терминов” (“Эстетика. Адабиёт назарияси. Терминларнинг энциклопедик луғати”) асарининг сўзбошида: “Без системы терминов никакая наука существовать не может”, - дея қайд этган эди[3]. Маълум бўладики, терминлар системасига эга бўлмаган фан соҳаси бўлиши мумкин эмас. Бу жиҳатдан А. Белийнинг ушбу фикрларига таяниш мумкин: “Под терминологией я понимаю я несуществующую почти науку о терминах; такая наука должна была проследить генетическое развитие терминов... ведь большинство теоретических споров вращается не вокруг смысла идей, а вокруг смысла, придаваемого идеям терминами. Смена философских систем есть главным образом смена терминологий. Термин первоначально ясный с усложнением аппарата понятий затемняется”[4]. Демак, ҳар бир фан мустақил илм соҳаси сифатида ривожланиши учун ўзининг терминологик базасига эга бўлиши, уларни амалиётга тўғри татбиқ этиши ва бадий таҳлил тажрибасида қўллай билиши лозим бўлади. Ушбу вазифаларни бажара олмаган фан соҳаси глобаллашув даврида турли илмлар ва тизимларнинг кесишмасида ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Шундай талаблар билан ўзбек адабиётшунослигидаги терминология масалаларини ўрганишга киришганимизда ушбу фаннинг ҳолати, тараққиёти ва истиқболлари кўз ўнгимизда яққолроқ намоён бўлади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам бугунги кунга қадар адабиётшунослик терминлари бўйича бир неча изоҳли луғатлар тузилган. Уларнинг айримлари ўз даври учун аҳамиятли саналса, айримлари муайян илмий масалаларни ўрганишда ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Бироқ, тан олмоқ керак, Ҳ. Ҳомидий ва бошқалар томонидан яратилган “Адабиётшунослик терминлари луғати”, Н. Ҳотамов ва Б. Саримсоқов томонидан тузилган “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати” кабилар терминлар камрави, илмий изоҳлаш принциплари жиҳатидан бугунги адабиётшунослигимиз талабларига жавоб бера олмай қолди.

Адабиётшунослик терминлари соҳасидаги кишини қониқтирмайдиган ҳолатнинг вужудга келишида, юқорида айтганимиздек, соҳа ходимларининг бундай масалалар билан шуғулланмай қўйиши, айрим ҳолларда эса янги кириб

келаётган ва миллий адабиётшуносликда эквивалентлари бўлмаган терминларни ўринсиз ҳолда миллийлаштиришга уринишлари, уларни “сиғдирмаслик”ка интилишлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Юқорида қайд этилган ҳолат ва сабаблар бугун адабиётшунослик терминлари билан жиддий равишда махсус шуғулланишни тақазо этади. Қолаверса, бу нарса фақат соҳа мутахассислари томонидан ўрганилиши, терминлар билан муносабатда бўлишнинг илмий принциплари ҳақида тавсиялар бериш зарурлигини ҳам талаб этади.

Тадқиқот методологияси. Терминологиянинг, хусусан, соҳалар терминологиясининг назарий ҳамда амалий масалалари ҳақида рус ва ўзбек тилшунослигида айрим тадқиқотлар амалга оширилган. Аммо, ўзбек адабиётшуносларининг фан раънақи йўлидаги заҳматини камситмаган ҳолда, адабиётшунослигимизда бу хилдаги тадқиқот мутлақо учрамастлигини ҳам қайд этиш лозим. Бу соҳада ХХ асрнинг 90- йилларида биргина проф. Б. Саримсоқовнинг “Атама – илмий маданиятимиз кўзгуси” номли мақоласи эълон қилинди. Унда адабиётшунослик терминологиясида рўй бераётган айрим жараёнлар, уларнинг юзага келиш сабаблари ва бартараф этиш йўллари қисқача баён этилган. Жумладан, мақолада “Адабиётшунослик терминларини тартибга солишнинг энг муҳим муаммоларидан бири илмий ишларда, вақтли матбуотда эълон қилинаётган мақола ва тақризларда муаллифлар томонидан ва илмий тажриба ҳамда анъанада эътироф этилган атамаларни қўллашга, бошқача қилиб айтганда, терминологияда бошбошдоқликка йўл бермаслик лозим...” дейилган. [5]

Таҳлил ва натижалар. Адабиётшунослик бадий адабиётнинг ўзига хос жиҳатларини, тараққиёт қонуниятларини ўрганувчи фан экан, унинг “ўз тили” ҳамда махсус тушунчаларини мутахассисларга аниқлаш учун ҳам терминологик базасига эга бўлиши керак. Очиғини айтганда, кейинги пайтларда адабиётшуносликнинг ички тармоқлари ўртасида тафовут камайиб бормоқда. Масалан, айрим олимлар, публицистик йўналишда танқидчилик, адабиёт тарихи ва назарияси каби соҳаларнинг мутахассисларини ўзларига ўхшаб оммабоп услубда мақолалар ёзишга даъват қилмоқдалар. Бу ҳодисанинг оқибати назарий адабиётшунослик ва унинг терминологиясига жиддий зарар етказиши аниқ. Шунинг учун адабиётшунослик ҳамма вақт ўзининг терминлар хазинасини бойитиши, уни замонавий жаҳон адабиётшунослиги даражасига кўтариш учун интилиши зарур.

Рус адабиётшунослиги ва у орқали бошқа халқлар адабиётшунослигидан кириб келган терминларга ўғайлик кўзи билан қарамаслик керак. Бундай атамалар илмий тушунчалар доирасини кенгайтиради ва янги-янги изланишларга етаклайди. Нега математика, физика, химия, биология, география, тиббиёт, фармокология каби фанларда терминлар масаласида “сеники-меники” деган фарқлар йўқ? Чунки фан ҳамма вақт умумбашарий моҳиятга эга ва бундан адабиётшунослик ҳам мустасно эмас. Шундай экан, ҳар бир адабиётшунос ўзининг терминлар бойлигини орттиришга, терминни аниқлаш ва ундан ўринли фойдаланишга интилиши зарур. Бунинг учун эса терминларнинг мукамал изоҳли луғатларини тузиш, бўлажак мутахассисларни адабиётшунослик терминларини севишга, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга тайёрлашимиз лозим. Ана шунда соҳанинг келажаги порлоқ бўлади.

Бугунги тараққиёт ҳаётдаги глобаллашув жараёни бошқа соҳалар қатори ўзбек адабиётшунослигига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ўзбек адабиётшунослари рус, инглиз, француз, олмон ва бошқа халқлар олимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш доирасини кенгайтириб юбордилар. Бундай алоқа ва ҳамкорликда рус адабиётшунослигининг ҳиссаси бениҳоя катта. Натижада ўзбек адабиётшунослигига бевосита русча, рус тили орқали кўплаб хорижий терминлар кириб келди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Адабиётшуносларимиз ўзларининг мақола ҳамда китобларида чет тиллардан ўзлашган терминларни бемалол қўлламоқдалар. Бундай ҳолатнинг ҳам ижобий, ҳам салбий томон бор. Ижобий томони шундаки, илмий тилнинг ифода имкониятлари, адабиётшуносларнинг адабий фактларга қараш аспекти бийи, илмий таҳлил кучаяди, ўзга халқлар адабиётшунослари билан муносабати кенгайди. Аммо ҳар қандай яхши нарсанинг бир етишмовчилиги бўлганидек, бошқа халқлар адабиётшунослигидан термин ўзлаштиришнинг салбий жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Биринчидан, адабиётшуносликка оид тадқиқотлар мазмунини аниқлаб етиш қийинлашади. Чунки олим ҳам, оддий ўқувчи ҳам янги қўлланаётган терминнинг мазмунини, моҳиятини тушуниб айтиш, термин аниқлашган тушунчани аниқ билиши зарур. Иккинчидан, хорижий термин дастлаб матнда ўғай боладек ажралиб туради. Бундай ҳолларда янги термин қўллаётган адабиётшунос олим дастлабки жараёнда ана шу терминнинг изоҳини қавс ичида бериб бориши (дефиниция) лозим. Ана шундан кейингина қўлланилган терминга кўникиш пайдо бўлади. Учунчидан, энг хавфлиси шундаки, баъзан адабиётшунос хорижий тилларга мансуб янги термин ифодалаган тушунча маъносини аниқ билмай туриб ёки янглиш билиб ишлатади. Мана шундан кейин адабиётшуносликда турли баҳслар, нотўғри баҳолар, хулоса, алғов-далғовлар бошланади. Илмнинг бирор соҳасига кириб қолган хато тушунчани тузатиш эса ниҳоятда узоқ ва оғир кечади.

Юқорида билдирилган мулоҳазалардан шу нарса маълум бўладики, адабиётшунослик терминлари ҳам ҳозир ўзлашган ёки эндигина ўзлаштирилаётган терминларни идентификация қилишга (тенглаштиришга) муҳтожлик сезилади. Шу ўринда дастлаб “термин” тушунчасининг маъно қамровларига аниқлик киритиш лозим. Термин (лот. *terminus* – “чегара, ҳудуд”) тушунчаси қадимги Рим мифологиясида деҳқонларга қарашли ерлар, ҳудудларнинг чегаралари маъносидан ишлатилган бўлиб, йиғиб олинган ҳосил эвазига ўтказилган байрамлар терминалия деб номланган. Бугунги кунда “термин” фаннинг у ёки бу соҳасига тегишли тушунчалар, атама ва истилоҳларнинг ифодаси сифатида қабул қилинган. Бу ҳақда А.А. Реформатский: “Терминология, прежде всего, связана с системой понятий данной науки (Терминология, биринчи навбатда, ўша фаннинг тушунчалари тизими билан боғлиқ)”, – деб ёзган эди. [6]

Адабиёт назарийчиси Л.И. Тимофеев бўлса, “термин, взятый как член терминологической системы (иначе говоря – как элементы “подъязыка” науки) должен характеризоваться строгой однозначностью и определенными отношениями к другим членам системы, ...термины литературоведения пока ещё далеко не во всём отвечают строгим требованиям, предъявляемым к понятию (“термин” дейлиб, “термин терминологик тизимнинг аъзоси (бошқача айтганда, фаннинг элементи) сифатида қатъий равишда бирмаънолилиги билан характерланади)” дейди ва бунда уч ҳолатни ҳисобга олишни кўзда тутади: биринчидан, адабиётшунослик терминологиясининг объекти бошқа фанлар терминологик объектларидан кўпқирралилиги билан фарқ қилади. Иккинчидан, бирор термин тарихнинг муайян даврида бир тушунчани ифодалаган бўлса, замонлар ўтиши билан унинг маънолари кенгайиши ёки тарайиши мумкин. Учунчидан эса, адабиётшунослик терминларининг бирмаънолилиги, асосан, поэтика масалаларига нисбатан қўлланилиши мумкин.

Ю. Боревнинг талқинича, “термин – понятие – это терминологический и категориальный аппарат науки (теории литературы, теории искусства или эстетики) – термин, отражающий стороны термина – категории (грациозное,

например, одно из проявлений прекрасного), явни “тушунча – бу фаннинг (адабиёт ва санъат назарияси ёки эстетика) терминологик ва категориял аппарати саналиб, эстетиканинг кенг қамровли ва умумий хусусиятларини ўзида жамлайди” деган хулосага келади. [4] Шу ўринда эса олиш жоизки, терминологияга оид лингвистик тадқиқотларда терминологик синонимияга ижобий ҳодиса сифатида қаралгани ҳолда терминологик омонимия ҳамда полисемия ҳодисасига йўл қўйилмаслигига мойиллик билдирилади.[8] Гап шундаки, термин у ёки бу соҳага оид тушунчани аниқ ифодаловчи, яъни чегараланган маънога эга бўлган сўзнинг мазмунини аниқлатади. Бинобарин, терминнинг кўп маънолилиги ёки омонимияси терминологияда фақат чалқашлик келтириб чиқариши мумкин, холос.

Бошқа халқлар адабиётшунослигидан ўзлаштириб олинаётган терминлар билан миллий адабиётшунослиқда ҳосил бўлаётган терминлар бизда терминологик синонимия ҳодисасини кучайтириб юборди. Натижада ягона адабий ҳодисани аниқлаш учун икки, баъзан уч термин қўллаш имконияти вужудга келди. Очигини айтиш керак, адабиётшунослигимиздаги бундай ҳодисага ўзбек олимларининг муносабати бир хил эмас. Кўпчилик адабиётшунослар миллий терминлар билан бошқа халқлар адабиётшунослигидан ўзлаштириб олинаётган терминларни параллел ишлатиш йўлидан бормокдалар. Моҳият эътибори билан бу ижобий ҳол, чунки айни мана шу йўл билан миллий адабиётшунослигимиз хазинаси бойийди, олимларимиз учун эркин фикр юритиш имкониятлари кенгайди.

Айрим адабиётшунослар эса рус адабиётшунослиги орқали ўтаётган ва ўзлашган терминларни қабул қилмаслик, фақат ўз тилимиздаги имкониятлар орқали янги терминлар ясашга рағбат кўрсатмоқдалар. Масалан, ўтган асрнинг 90-йилларида қулай, ихчам, аниқ ва барча учун бир хилда тушунарли бўлган терминлар мавжудлигига қарамай, кульминация – ҳадди аъло, лирик кечинма – рубобий кечинма, филология – илми адаб сингари ясама бирикмаларнинг қўлланилиши кузатилди.

Биринчидан, термин ўзи ифодалаган нарса ёки ҳодисани тўғри, аниқ аниқлаштириш зарур. Иккинчидан, термин илмий, маърифий, мафкуравий, сиёсий жиҳатдан синалган бўлиши керак. Учинчидан, у илм-фаннинг муайян соҳаси нуктаи назаридан тўғри ва мақбул бўлиши лозим. Тўртинчидан, миллий тилнинг талаб ҳамда эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган бўлиши шарт. Бунда термин аниқлик, тушунарлилик, бир маънолилиги каби хусусиятларга эга бўлишига; ихчам ва қулай шаклга, миллий ва терминология тизимига мос келишига, имкон борича, отлашган (субстант) бўлишига эътибор бериш талаб этилади. Бошқа халқлар адабиётшунослигидан ўзлаштириб олинаётган терминлар ўзбек тилининг фонологик хусусиятларига, талаффуз ва ёзма меъёрларига мослашган ҳолда қабул қилиниши керак. Энг аввало, ҳар қандай термин миллий тилда ифодаланганда олинаётган терминнинг сўз урғусига диққат қилиш керак бўлади. Бизда миллий тил имкониятлари асосида ифодалангани имкон бўлмаган айрим хорижий терминларга нисбатан бундай принципни қўллаш термин аниқлашган тушунчанинг моҳиятини барбод этади.

Адабиётшунослиқда яна шундай терминлар борки, улар асоссиз равишда бугунлай бошқа сўзлар билан ифодаланади. Ҳозир ўзбек адабиётшунослигида, кўпинча, миф термини асотир деб юритилмоқда. Бу нарса, биринчидан, барча халқлар томонидан бир хилда тушуниладиган, фақат бир тушунчани ифодалайдиган миф терминининг маъносини бера олмайди, иккинчидан, терминнинг миллий тор биқик доирага кириб қолишига, энг муҳими, миф терминини аниқлашган аниқ тушунчанинг мавҳумлашишига сабаб бўлади. Чунки асотир сўзи қадимги ҳиндуизм дини таркибидаги ведаларда у ёки бу маросимни ўтказиш қонун-қоидаларини ифодаловчи, кўпроқ, барқарор формулага яқин жумладан иборат. Сутра (асотир санскритча шу сўздан олинган) эса мифик мазмунга эга бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун миф терминининг ўзини қўллаш тўғри, асотир эса “миф” тушунчасини ифодалай олмайди. Дунё адабиётшунослигида шундай мураккаб, яъни икки, уч, ҳаттоки, тўрт сўздан ташкил топган терминлар ҳам борки, улар аниқлашган тушунчаларнинг асосини билмай туриб, ҳақиқий мутахассис бўлиш мумкин эмас. Шунинг учун ўзбек адабиётшунослиги ана шундай терминларни ўзбек тилига мослаган ҳолда ўзлаштириб олиши лозим. Масалан, авторизированный перевод – авторлаштирилган таржима. Ушбу терминни “муаллифлаштирилган таржима” деб қўллаш бир оз мавҳумлик туғдириш мумкин. Ёки: авторское повествование бирикмасини автор баъни тарзида қўлланса тўғри бўлади. Яна бир мисол: анакреонтическая поэзия – анакреонтик шеърят (поэзия) терминни “анакреонтикий шеърят” шаклида қўллаб бўлмайди. Чунки термин ифодаланган тушунча бевосита анакреонтикий шеърятга алоқасиздир. Ушбу термин VI асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган иониялик Анакреонт номи билан боғлиқликда юзага келган. Жонлилик, жўшқинлик, аниқлик, оддийлик унинг шеърятга хос етакчи хусусиятлари ҳисобланади. Унинг шеърлари қисқа хажмга эга бўлиб, уларда мураккаб кечинмалар эмас, балки қисқа-қисқа лирик лаҳзалар оддий, аммо бетакрор образлар воситасида фақуллодда яқунланган.

Хулоса ва тақлифлар. Сўнги даврлар антик шеърятда Анакреонтга тақлид қилиб ёзилган “Анакреонтика” шеърлар тўплами сақланиб қолган. Ана шу тўпламига кирган, шунингдек, бевосита шоирнинг ўз шеърларига тақлидан барча шеър намуналари “анакреонтик шеърят” деб юритилади. Шунинг учун ҳам бу терминнинг “анакреонтикий шеърят” шаклида ишлатиш нотўғри бўлади. [4]

Демак, адабиётшунослик терминларини талқинига эътиборни кучайтириб, унинг даврлар микъёсида маъно қамровларини чегаралаб олиш жуда муҳим. Бу ҳолат адабиётшунослиқда амалга ошириладиган тадқиқотлардаги чалқашликларни олдини олади, илмий мақолаларга аниқлик киритади. Вақт утиши билан, бир тузим иккинчисига алмашинуви билан бизнинг соҳамиздаги терминлар ҳам ўз маъно қамровини аниқлаштиришни биздан талаб қилади. Шундай экан мамлакатимиз микъёсида терминологиямизни ўрганадиган, уларни муаммоларини белгилаб ечимини тақдим қиладиган тадқиқотлар зарур. Ушбу ҳолатга мавзу бераётган илмий раҳбарларни диққатини кучайтиришни сураб қоламиз. Мақоламизни Б. Саримсоқовни “Терминларимиз – маданиятимиз кўзгуси” деган сўзлари билан тугатамиз. Зеро, адабиётга қизиқиш, илм, шарҳ, танқид бор жойда маданият юксалишини барчамиз яхши биламиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Хатамов Н.Т. Развитие узбекской литературоведческой терминологии в советский период. Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: 1971.
2. Ҳомидий Х, Абдуллаев Ш, Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1967;
3. Ҳатамов Н.Т., Саримсоқов Б.Н. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, – 1979 (биринчи нашри); 1983 (иккинчи нашри).
4. Боров Ю.Б. Эстетика. Теория литературы / Энциклопедический словарь терминов. – М.: Асртель, 2003. – С. 3.
5. Белый А. Эмблематика смысла. // Он же. Символизм как миропонимание. – М., 1994. – С. 58

6. Саримсоқов Б. Атама – илмий маданиятимиз кўзгуси. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. – 1995. 3- сон. – Б. 41–51..
7. Реформатский А.А. Современные проблемы русской терминологии. – М.: Наука, 1986. – С. 57.
8. Реформатский А.А. Мысли о терминологии // Современные проблемы русской терминологии. – М.: Наука. 1986. – С. 163–198;
9. Лотте Д.С. Вопросы заимствования и упрощения иноязычных терминов и терминологических элементов. – М.: Наука. 1982;
10. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М.: Наука. 1977. – С. 246.

UDK:821.111.091(73)

Asila CHORIYEVA,

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti talabasi

E-mail: asilachoriyeva2002@gmail.com

Tel: 88 877 70 84

Nadejda LOKTEVA,

O'zbekiston Davlat jahon tillari universiteti doktoranti(DSc)

E-mail: nadejda.lokteva@mail.ru

Tel: 94 652 88 82

TDPU doktoranti f. f. n. Matenova Yu.U. taqrizi asosida

AYOLNING HAYOTGA BO'LGAN QARASHLARI (ENN TAYLER “YERNING NEMATLARI” ROMANI MISOLIDA)

Аннотация

Maqolada Enn Taylarning oila xronikasi janri o'rganilib, ayolning dunyo va jamiyatga bo'lgan qarashlari tahlil qilinadi, bu, shubhasiz, uning badiiy yutug'idir. Maqolada zamonaviy jamiyat uchun dolzarb bo'lgan muammolar, ya'ni ayollar, ayniqsa amerikalik ayollar tahlil qilinadi. Yozuvchi zamonaviy jamiyatda ayollarning begonalashuvining kelib chiqish sabablarini ko'rsatishga muvaffaq bo'lgan bo'lsa, ikkinchi tomondan, oila xronikasida optimistik qarash, odamlarning umumiyligiga ishonch, insonda chinakam insonparvarlik fazilatlarini tarbiyalash bor. Kishining baxtli va erkin yashashiga yordam beradi.

Kalit so'zlar: Oila xronikasi, demobilizatsiya, personaj, badiiy tasvir, metonimiya, metafora, frazeologik iboralar, giperbola, epitet.

ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД НА ЖИЗНЬ (НАПРИМЕРЕ РОМАНА ЭНН ТАЙЛЕР «БЛАГА ЗЕМНЫЕ»)

Аннотация

В статье изучается жанр семейной хроники Энн Тайлер и анализируется женский взгляд на мир и общество, несомненно, являются её художественным достижением. В статье проанализированы проблемы, актуальные для современного общества, а именно женщины, прежде всего американок. Писательнице удалось показать истоки и причины отчужденности женщины в современном обществе, с другой стороны, в семейной хронике звучит оптимистический взгляд, вера в общность людей, воспитание в человеке по длинным гуманистических качеств, которые помогут тому жить счастливо и свободно.

Ключевые слова: Семейная хроника, дембель, персонаж, художественный образ, метонимия, метафора, фразеологические выражения, гипербола, эпитет.

WOMEN'S OUTLOOK ON LIFE (ON THE EXAMPLE OF ANN TYLER'S NOVEL “THE GOODS OF THE EARTH”)

Annotation

The article studies the genre of Anne Tyler's family chronicle and analyzes the female view of the world and society, which are undoubtedly her artistic achievement. The article analyzes the problems relevant to modern society, namely women, especially American women. The writer managed to show the origins and causes of the alienation of women in modern society; on the other